



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 29 октябрь, № 211 (5885)

Сешанба

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МДХ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ТОР ДОИРАДАГИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Мухтарам раис,  
Хурматли давлат раҳбарлари!

Хамдўстлик давлат раҳбарлари саммити иштирокчиларини қутлаш ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Григорьевич Лукашенкога самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Бугун дунёда юз бераётган мураккаб жараёнлар, кучларни глобал ва минтақавий жойлаштириш борасидаги мураккаб ўзгаришлар, жаҳон иқтисодий-сиёсий инқироздан кейин кечаётган оғир давр, Хамдўстликка яқин ва узоқ давлатлардаги вазият ва зиддиятларнинг кескин тус олаётгани ҳақида гапиришнинг алоҳида зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан, бизнинг назаримизда, МДХнинг бу борадаги роли ва ўрнини белгилаш, Хамдўстлик доирасида қандай ишлар амалга оширилаётганини ва унинг имконият ҳамда салоҳиятини баҳолаш, ушбу ташкилотнинг истиқболи ва келажагини қандай тасаввур этишимиз хусусида фикр билдиришимиз муҳим аҳамиятга эга.

МДХнинг, ўтган йиллар мобайнида мазкур ташкилот

томонидан яратилган ҳуқуқий майдон ва ҳамкорлик воситаларининг, механизмларининг аҳамиятини оширишдан, айни пайтда камситмасдан айтиш мумкинки, Хамдўстлик унга аъзо бўлган ҳар бир давлат учун муҳим ўрин тутмоқда. Бундай дейиш учун барча асослар бор.

Хамдўстлик унга аъзо давлатларнинг изчил ривожланиши, барқарорлиги ва хавфсизлигига раҳна солиши мумкин бўлган таҳдид ва хатарларга ўз вақтида, муносиб жавоб қайтариш, баҳс ва низоларни ҳал этишга қаратилган, пировард натижада собиқ иттифоқ ҳудудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилиши учун мақбул ёндашув ва мувофиқлаштирилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда.

МДХ давлатларининг серкира ҳамкорлиги ҳақида сўз борганда, биз, авваламбор, **МДХ маконида зўравонлик ва мурасасизлик гояларини очик-ойдин тарғиб қилаётган турли экстремистик ташкилотлар фаолиги кун сайин кучайиб бораётганини эътиборга олган ҳолда, экстремизм ва терроризмга қарши**

**курашда Хамдўстлик мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутамиз.**

Бугунги кунда тобора авж олаётган радикализм, терроризм ва жангари экстремизм мафкураси нафақат бир мамлакат ёки муайян минтақа доирасида кенг тарқалаётгани, балки **ушбу жараён миллий чегара билмаслиги** ҳақида гапиришнинг ҳождати йўқ. Айнан шу сабабли МДХга аъзо давлатлар ҳудудида ҳар қандай кўриниш ва шаклдаги терроризм ва экстремизмга йўл қўймаслик муҳитини шакллантириш, ушбу хавфли таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига кўмаклашадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартаф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарур.

Бугунги саммитда жиноятчилик ва терроризм, наркотик воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши ҳамкорликда курашиш бўйича чора-тадбирлар дастури, шунингдек, Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик концепциясининг қабул қилиниши Хамдўстликка аъзо барча давлатларнинг узоқ муддат-

ли хавфсизлик манфаатларига мос келади.

**Иккинчидан.** Афғонистондан АЙСАФ тинчликпарвар кучларининг 2014 йилнинг охирига қадар чиқарилиши, шакл-шубҳасиз, Афғонистон билан чегарадош давлатлар ва унга яқин ҳудудлар учун жиддий синов бўлади.

Дунёдаги аксарият мамлакатлар Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг ягона йўли — бу, ушбу муаммонинг сиёсий тинч ечимини топиш, ўзаро курашаётган турли томонлар ўртасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигидега музокаралар ўтказиш ва муроСага келиш, таркибига ўзаро қарама-қарши асосий кучлар ҳам кириши мумкин бўлган муваққат ҳуқуқатни шакллантириш зарур, деган хулосага келмоқда.

Ўзбекистон Афғонистон билан қўшни давлат сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистон билан ҳамкорликини икки томонлама асосда ташкил этиш, Афғонистон халқи сайлайдиган ҳуқуқатга ёрдам бериш ва уни қўллаб-қувватлаш сиёсатида қатъий амал қилади.

Бундай шароитларда ҳар бир мамлакат ўзи қабул қиладиган

чора-тадбирларни амалга ошириши, шунингдек, Афғонистондан қўшинларни чиқариш жараёни ён-атрофдаги мамлакатларга зиён етказмаслигидан қўриқилиши, Афғонистоннинг ўзаро мувофиқлашган ва маслаҳатлашган ҳолда иш тутиши, энг муҳими, юзага келаётган шароитда аввало Афғонистоннинг ўзида тартибсизлик ва зўравонликка йўл қўймаслик мамлакатларимиз ва умуман, минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни сақлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу борада манфаатдор бўлган қудратли давлатлар амалий ёрдам кўрсатиши мумкин ва даркор.

**Яна бир масалага алоҳида тўхталмоқчиман.** Бу МДХ маконида мамлакатлар ўртасида амалдаги савдо режимида салбий таъсир кўрсатмайдиган принципларга асосланган тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантиришдир. Бу МДХ ҳудудида барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг муҳим шартларидандир.

Бунда товар оқимлари тузилмасини диверсификация қилиш, ўзаро етказиб берилган товарлар турларини кенгайтириш ва энг муҳими, мувофиқлаштирилган ва сама-

рали транспорт-коммуникация ҳамда тариф сиёсатини амалга ошириш улкан аҳамиятга эга.

Биз Ўзбекистон Республикасининг Эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага қўшилишини қўллаб-қувватлаган Россия Федерацияси ва Хамдўстликнинг бошқа мамлакатларидан миннатдоримиз. Ўзбекистоннинг изчил ривожланаётган бозори ва жадал ўсиб бораётган иқтисодийёти билан ушбу муҳим интеграция лойиҳасида иштирок этиши Шартноманинг барча қатнашчиларига ўзаро фойда ва манфаат келтиришига ишонаман.

Мухтарам ҳамкасблар! МДХ истиқболи ва келажаги кўп жиҳатдан бизга, яъни Хамдўстликка аъзо мамлакатларга ва албатта, ҳеч бир муболағасиз, биринчи навбатда, Россияга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Собиқ иттифоқ ҳудудидаги ҳар бир мамлакат учун Россиянинг улкан салоҳияти ва бозор имкониятлари эътиборга олинган ҳолда, бу давлат билан йўлга қўйилаётган муносабатлар ва муҳими — умумий тарихимиз, қадриятларимиз, интилишларимиз ва керак бўлса, узоқ йиллар мобайнида биз биргаликда яшаган макон

алоҳида аҳамият касб этиши бугун ҳеч кимга сир эмас.

Собиқ иттифоқ ҳудудида Хамдўстлик билан бир қаторда бошқа интеграция жараёнларининг ҳам ривожланаётгани МДХ фаолияти учун тўсиқ бўлаётгани йўқ.

Шу билан бирга, давлатларо бирлашмаларнинг ҳар бири — МДХ, Божхона иттифоқи ва унинг асосида ташкил этилаётган Евроосийё иқтисодий иттифоқи **бир-бирини такрорламасдан ўз йўналиши бўйича** фаолиятини йўлга қўйиши гоят муҳимдир. Бундай ҳолат эса келажақда юз бериши мумкин.

Хурматли ҳамкасблар! Беларусь Республикасининг МДХга раислиги, бизнинг фикримизча, фаол ва амалий хусусиятга эга бўлди ва Ташкилот доирасида унга аъзо мамлакатларнинг умумий мақсад ҳамда вазифаларини илгари суришга ёрдам берди.

Фурсатдан фойдаланиб, Украинани навбатдаги даврда МДХга раислик қилиши билан табриклаб, Украина Президенти Виктор Федорович Януковичга ушбу масъулиятли миссияни амалга оширишда катта муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

**ҲАМКОРЛИК**  
Кеча “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий сўғурта компаниясида Ўзбекистон — Корея Республикаси бизнес-форуми бўлиб ўтди.

### Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес-форуми

Молия бозорини ривожлантириш масаласига бағишланган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг молия-банк, лизинг, сўғурта каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, фирма ҳамда компаниялари раҳбарлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари Б. Юсупов, Корея Республикасининг молиявий хизматлар бўйича комиссия раисининг ўринбосари Ли Сангче томонлар ўртасидаги ҳамкорлик қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, улар маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини юксалтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар самарасидир.

Бундан ташқари, уларнинг мақсади — экспорт қилувчилар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, улар маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини юксалтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар самарасидир. Бундан ташқари, уларнинг мақсади — экспорт қилувчилар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, улар маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини юксалтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

### Фармацевтика саноати:

## КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 ой якунларига бағишланган мажлисида январь — сентябрь ойларида экспорт ҳажми **13** фоизга ўсганлиги ва ташқи савдо айланмасининг катта ижобий сальдоси таъминланганлиги қайд этилди.

### ИСЛОҲОТ

Табиийки, ушбу кўрсаткичлар юртимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар — экспорт қилувчилар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, улар маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини юксалтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар самарасидир.

Бундан ташқари, уларнинг мақсади — экспорт қилувчилар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, улар маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини юксалтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар самарасидир.

Бундан ташқари, уларнинг мақсади — экспорт қилувчилар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, улар маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини юксалтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар самарасидир.

Фарм” ҳамда “Кодефарм” корхоналари фаолият юритаётгани фикримиз далилидир. Эътиборлиси, ҳадемай, ишлаб чиқариш субъектлари сони янада кўпаяди.

(Давоми 2-бетда).

Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табриги кўнглимизни тоғдек кўтариб юборди.



### Ниятимиз пок, мақсадимиз улуғ

Ўзингиз айтинг, ундаги “Пахта азал-азалдан оқлик, оқ рангнинг тинч-соли сифатида эътироф этилади. Оқ пахтани фақат оққўнғил одамларгина етиштиради. Таъбир жоиз бўлса, пахта нафақат оқ рангнинг рамзи, балки фидокорона меҳнатнинг маҳсули десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди”, деган сўзлар кимни шодлантирмайди, дейсиз?

Очиги, табрикни ўқир эканман, ғўзани парваришлаш, мўл ҳосил етиштириш билан боғлиқ барча юмушлар кўз олдимдан бирма-бир ўта бошлади. Негаки, жорий йилда мамлакатимизнинг 3 миллион 350 минг тонналик улкан пахта хирмонини бунёд этиш осон кечгани йўқ. Баҳорги экин-тикин мавсумида ёнгарчиликнинг кўп бўлиши, ёзда ҳароратнинг кўтарилиб кетиши, айниқса, Навоий вилояти шароитида фермерларни жиддий синовдан ўтказди. Аммо давлатимиз томонидан фермер хўжалиқлари фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, меҳнат қилиш учун барча шарт-шароит яратиб берилган, тармоқда интенсив технологиялар самарали қўлланилгани туфайли эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлди: 27,4 гектар майдонда 123 тонна пахта ҳосили йиғиштириб олдик.

(Давоми 2-бетда).

## Сайловлар демократия талаблари асосида ўтади

Жорий йилнинг ноябрь — декабрь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларига тайёргарлик доирасида ҳудудий семинарлар ўтказилди.

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

“Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари” мавзусидаги ушбу тадбирларда сайлов жараёнларининг барча иштирокчилари — халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш-

лари депутатлари, кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар раислари, маҳаллий ҳокимликларнинг ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳудудий тузилмалари раислари,

оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.

Самарқанд шаҳрида бўлган тадбирда сайловга тайёргарлик ишлари, бу борада эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳатлар ҳақида атрофлича сўз юритилиб, юртимизда жамият ҳаётини янада демократлаштириш йўналишида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самараси ўларок, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари замонга

мос ҳолда такомиллаштирилаётгани таъкидланди.

— Вилотиимиздаги мавжуд 1242 та фуқаролар йиғинида сайловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур чора-тадбирлар кўриломоқда, — дейди фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Самарқанд вилояти комиссияси раиси Улуғбек Ташкенбоев. — Жумладан, 18 — 22 октябрь кунлари шаҳар ва туманлар кўмаклашувчи

комиссиялари ҳамда ишчи гуруҳлар аъзолари учун минтақавий ўқув-семинарлар уюштирилди. Уларда кўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари, сайловни ўтказиш тартиби ва унинг якунларини эълон қилиш, сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида батафсил маълумотлар берилганлиги биз учун айна мумдоо бўлди.

(Давоми 2-бетда).

# Сайловлар демократия талаблари асосида ўтади

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Наманган вилоятида ташкил этилган семинарда фуқаролар йиғинларига ўтказиладиган сайловларга пухта тайёргарлик кўриладиганлиги эътироф этилди. Анжуман доирасида Наманган шаҳридаги Фурқат номидаги маҳалла фуқаролар йиғини мисолида сайловнинг намунавий тартиби саҳна кўриниши тарзида иштирокчиларга намойиш қилинди.

— Фуқаролар йиғини фаолиятини ташкил этишда раис ва унинг маслаҳатчиларининг ўрни катта, — дейди Уйчи туманидаги "Шифокор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Улуғбек Махкамов. — Хусусан, йиғинлардаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар фаолиятини самарали

ташкил этишда маслаҳатчиларнинг ташкилотчилиги, билим ва тажрибаси асосида. Шу боис семинарда ушбу лавозимларга кўрсатиладиган номзодларга қўйилган талаблар ҳақида батафсил сўз борди. Айни чоғда тадбирда сайловни юқори савияда ташкил этиш, энг муносиб номзодларнинг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари этиб сайланишларини таъминлашга доир фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди, мутасаддиларнинг жавоблари эшитилгани иштирокчилар учун жуда фойдали бўлди.

Навоий шаҳридаги семинарда бўлажак сайловларда вилоят бўйича 340 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 3300 нафардан зиёд маслаҳатчилари сайланиши режалаштирилгани ҳамда ушбу лавозимларга

тажрибали, ташкилотчилик қобилиятига, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган, ўзининг меҳнат фаолиятида ижобий ютуқларга эришган, фидойи, маънавий етук шахсларнинг сайланиши бугунги кун талаби экани алоҳида қайд этилди.

— Бўлажак сайловлар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалар асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талаблари бўйича ўтказилади, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фондидининг Навоий вилояти бўлими раиси Нор-

мурод Исоқов. — Бу ўз-ўзидан сайлов иштирокчилари — кўмаклашувчи комиссиялар, ишчи гуруҳлар, маҳаллий ҳокимликлар вакилларининг бу борадаги билимларини бойитишни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, янги таҳрирдаги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва унинг сайлов жараёнларидаги аҳамияти, кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг вазифалари таҳлил қилиб чиқилдики, буларнинг барчаси сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишда, энг муносиб номзодларнинг сайланишини таъминлашда қўл келади, албатта.

Анжуманларда сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ яна бир қатор муҳим вазифалар муҳокама қилинди. Айниқса, фуқароларнинг конституцийвий ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий

шароитни яратиш, сайлов жараёнлари иштирокчиларининг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этишини таъминлаш, бунинг учун уларга зарур ҳуқуқий адабиётларни етказиб бериш, номзодлар ва уларнинг ахлоқий фазилатлари билан сайловчиларни таништириш, ушбу тадбирга аҳолини, хусусан, ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш, сайловни ошқоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини энг ериштириш бўйича ахборот-таҳлил ишларини қўлайлаштириш зарурлиги алоҳида айтилди.

Шу мавзудаги семинарлар Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Андижон, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, жойларда ҳам ишчи гуруҳлар аъзолари иштирокида семинарлар ташкил этишга келишиб олинди.

**Вилоят мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**

Фафуров. — Мазкур лойиҳа амалга ошгач, экспорт ҳажми янада кенгайиб, иш ўринлари сони 1000 тадан ошади.

Вилоятдаги яна бир ишлаб чиқариш субъекти — "Темур Мед Фарм"да эса инфузцион эритмалар тайёрланмоқда. Эътиборлиси, корхона технологик салоҳияти бўйича МДХ мамлакатлари орасида ягона ҳисобланади.

— Вилоятимиз фармацевтика корхоналарида тайёрланаётган юқори сифатли дори-дармон ва тиббиёт воситалари импорт ўрнини тўлиқ боса олади, — дейди "Сирдарё дори-дармон" шўъба корхонаси директори Бахтиёр Равшанов. — Муҳими, Маҳаллийлаштириш дастурида кўзда тутилган қатор имтиёзлар маҳсулотлар таннарихи

арзонлигини таъминлашга хизмат қилаётти.

Дарвоқе, бугунги кунда фармацевтика тармоғининг вилоят саноатидаги улуши ҳам тобора ортиб бораёпти. Чунончи, жорий йил якунида маҳсулот тайёрлаш ҳажмининг 31 миллион сўмликка етказиб белгиланган бўлиб, бу ўтган йилдагига нисбатан 83,4 фоиз юқори кўрсаткичдир. Эътиборлиси, соҳа ривожига қаратилаётган изчил саноатчилик қўзғалган марралар тўлиқ забот этилишидан далолат беради.

**Аҳмадидин ШЕРНАЗАРОВ, Шомурот ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Ниятимиз пок, мақсадимиз улуг

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Халқимизда "Меҳнатнинг таги роҳат" деган пурмаъно нақл бор. Унинг исботини бугун ўз фаолиятимизда кўриб турибмиз. Айтилик, бу йил 151 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаганмиз. Сабоби, ҳосилдорлик 45 центнердан ошди.

Бундай ютуқларга эришишда барча кишлоқ ҳўжалиги техникаларига эга эканлигимиз қўл келаяпти, албатта. Чунки уларнинг ёрдамида агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли бажаришга муваффақ бўлаёلمиз. Хусусан, шу йил бошида 238 миллион сўм эвазига замонавий чопиқ трактори сотиб олганимиз иш унумдорлигини оширди. Пировардида баракали хирмон уюлди. Бу ютуғимиз Президентимиз томонидан алоҳида эътироф этилиб, фермер ҳўжалигимиз илгорлар қаторида тилга олингани, айниқса, қувонарлидир. Кўпчиликка аёнки, собиқ шўро даврида "Фалон тонналик план"ни бажариш учун тер

тўқар, ундан келадиган фойда ҳақида эса ўйлаб ҳам кўрмас эдик. Бугунги фермер-чи: қўп ва сифатли ҳўсил етиштиришдан, биринчи навбатда, ўзи манфаатдор. Оладиган даромади оиласи ва ҳўжалик ишчилари рўзғорига барака киритишини жуда яхши билади. Айни шу жиҳат қишлоқ ҳўжалигида самарадорлиқни ошириш, қўшимча тармоқларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этапти.

Ўзимиздан қиёс: ҳозирги кунда дехқончиликдан ташқари, узумчилик, асаларчилик ва чорвачилик билан ҳам шуғулланамиз. Буларнинг барчаси улкан бунёдкорлик ишлари, истиқболли лойиҳалар рўёби, янги иш ўринлари яратилишига, қисқача айтганда, турмушимизни янада фаровонлаштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

**Исомиддин ҲОҚОВ, Навбахор туманидаги «Мартабали» фермер ҳўжалиги раҳбари.**

# Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес-форуми

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Банклар фаолиятида инвестициявий фаоллик кучайиб, иқтисодийнинг реал секторида йўналтирилган кредитлар ҳажми муттасил ўсиб бораётти, унда узоқ муддатли кредитлар улуши ҳам кўпаймоқда. Бу борада қўлга киритилаётган натижалар халқаро рейтинг компаниялари томонидан эътироф этиб келинаётгани, айниқса, диққатга сазовордир. Масалан, "Мудис" халқаро рейтинг агентлигининг 2013 йил август ойида эълон қилинган "Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиши истиқболи" янги ҳисоботида, жумладан, шундай дейилади: "Ўзбекистон банк тизими юқори кўрсаткичларни намойиш этиб келмоқда. Халқаро стандартлардан келиб чиқиб қараганда, банклар капиталининг етарлилик коэффициенти юқори даражада сақланиб турибди" ва "...банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг қамлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди".

Дарҳақиқат, мамлакатимизда банк-молия тизимида амалга оширилаётган оқилона сиёсат, яратилган қўлай сарможий муҳит иқтисодий тараққиётнинг муҳим омил бўлаётти. Бу, ўз навбатида, чет мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ва молиявий йўналишларда ҳамкорлик йил сайин кенгайишга хизмат

қилаётти. Бугунги кунда биргина Корея Республикаси "Эксімбанк"нинг Иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) линияси бўйича таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, энергия таъминоти, қишлоқ ҳўжалиги ва экология соҳаларида қўллаб-қувватловчи аҳоли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётгани бунга мисол бўла олади.

— Ўзбекистон юксак иқтисодий салоҳиятга эга давлатдир, — деди Ли Сангче. — Кейинги йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8 фоиздан юқорини ташкил қилаётгани ана шундан далолат беради. Иқтисодийнинг барча соҳалари, хусусан, молия тизими ҳам барқарор ривожланиб, молиявий, лизинг, суғурта хизматлари кўрсатиш ҳажми ўсиб бормоқда. Юртингизда бу борада амалга оширилаётган ислохотларни ўрганиш, фикр ва тажриба алмашишдан манфаатдоримиз.

Бизнес-форумда молия бозорини янада ривожлантириш, нобанк молия сектори, суғурта ва лизинг хизматларини кўрсатиш қўламини тақомиллаштириш, бу жараёнда томонлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада мустақамлаш, ўзаро фикр ва тажриба алмашишни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## САРҲИСОБ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда адлия органлари ва муассасалари томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар ҳамда галдаги вазифалар атрофида муҳокама этилди.

## Амалий натижалар таҳлили

Адлия вазирини Н. Йўлдошев ва бошқалар томонидан эътироф этилганидек, ўтган давр мобайнида вазирлик томонидан қонун ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш борасида кенг қўламли саноатчи-ҳаракатлар олиб борилган. Жумладан, учинчи чорақда ишлаб чиқилган 14 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларидан 9 таси қабул қилинди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан, доимий фаолият кўрсатувчи фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини оширишга йўналтирилган ўқув курсларини ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш борасида 10 та назорат тадбири ўтказилди. Адлия органлари томонидан тадбиркорлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш соҳасида ўтказилган текширишлар бўйича қўлланган таъсир чораларига асосан, давлат органларининг 3,5 мингдан зиёд ноқонуний ҳужжатлари ижроси тўхтатилди ва бекор қилинди. Судларга 102 млрд. сўмликдан ортиқ даъво аризалари киритилди.

Ҳисобот даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган 40 мингта янги ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилгани эътироф этилди.

Мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент вилояти адлия бошқармаси фаолиятини ўрганиш якунлари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Таъкидланганидек, мазкур ҳудудий адлия органларида ижобий ишлар билан бир қаторда, иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш, юридик хизмат фаолиятини тақомиллаштириш, ҳуқуқий экспертиза, киритилган таъсир чоралари самарасини ошириш, иш режаларини тузиш борасида айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилган.

Яқинда адлия органлари ва муассасаларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экспертизасини янада тақомиллаштириш, ҳуқуқий тарғибот тадбирлари қўламини кенгайтириш, юридик таълимнинг миллий рейтингини ошириш, инсон ҳуқуқлари, тадбиркорлик ва шартномавий-ҳуқуқий ишларда суд ҳамда ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш масалалари юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот хизмати.**



**Фармацевтика саноати:**

# КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Гап шундаки, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ, Сирдарё туманида бир йўла иккита лойиҳа рўёбга чиқарилиб, "Сируниверсалфарм" масъулияти чекланган жамиятида инфузион эритмалар ҳамда "Сируниверсалоина" корхонасида дори-дармонлар учун шиша идишлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Гулистон шаҳрида эса айни кунда бир марталик шприцлар ва системалар ишлаб чиқаришга иختисослаштирилган "Реал

Евро Импекс" хусусий корхонаси барпо этилмоқда. Умуман, юқоридаги дастурга биноан, соҳага жами 16,2 миллион АҚШ долларлик инвестиция киритилиши натижасида дори-дармон ва тиббиёт воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 13 тага етказилиши кўзда тутилган.

Жорий йилда Сирдарё туманида фойдаланишга топширилган "Бахттекс-фарм" корхонасида маҳаллий пахта хом ашёсидан юқори сифатли тиббиёт воситалари тайёрлаш йўлга қўйилди. Инвестиция дастури асосида амалга оширилган мазкур лойи-

ҳанин умуий қиймати 21,6 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, биринчи босқични рўёбга чиқаришга 12,6 миллион доллар сарфланди. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган тиббиёт бинти, момиги сингари 40 турдан зиёд маҳсулот, асосан, хоризмлик буюртмачиларга етказиб берилаётти. Жумладан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида "Бахттекс-фарм"нинг экспорт салоҳияти 1 миллион 657 минг АҚШ долларини ташкил этди.

— Корхонамизнинг иккинчи навбатини ишга тушириш ҳаракатида, — дейди бўлим бошлиғи Бахтиёр

арзонлигини таъминлашга хизмат қилаётти.

Дарвоқе, бугунги кунда фармацевтика тармоғининг вилоят саноатидаги улуши ҳам тобора ортиб бораёпти. Чунончи, жорий йил якунида маҳсулот тайёрлаш ҳажмининг 31 миллион сўмликка етказиб белгиланган бўлиб, бу ўтган йилдагига нисбатан 83,4 фоиз юқори кўрсаткичдир. Эътиборлиси, соҳа ривожига қаратилаётган изчил саноатчилик қўзғалган марралар тўлиқ забот этилишидан далолат беради.

**Аҳмадидин ШЕРНАЗАРОВ, Шомурот ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.**

## ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

**Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси парламентаризм, сиёсий партиялар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ривожини тарихан янги босқичга кўтарди.**

Албатта, ушбу йўналишда белгилаб берилган устувор вазифаларни бажариш ва шу орқали турмушимизнинг янада фаровонлигига эришиш ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Айниқса, бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фуқаролар билан муносабатларини тўри йўлга қўйишлари, ҳудудий муаммоларни ўз вақтида ҳал этишлари, шу билан бирга, мамлакатимиз парламентида қабул қилинаётган қонунлар, Президентимиз Фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишлари муҳим аҳамиятга эга.

Эътироф этиш керак, бугунги кунда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари, доимий комиссиялар, депутатлик гуруҳларининг иш фаолияти тубдан яхшиланиб бормоқда. Шубҳасиз, бунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, чунончи, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар катта самара бермоқда. Уларнинг ташаббуси билан уюштирилаётган тадбирларда юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Президентимиз томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар, эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришдаги вазифалар ҳақида батафсил айтиб ўтилаяпти. Бу эса, ўз навбатида,

# Ижтимоий ҳамкорлик масъулияти

маҳаллий Кенгашларининг иш фаолиятлари янада самарали ташкил этишларида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, Хоразм вилояти Кенгаши доимий комиссиялари билан халқ депутатлари туман Кенгашларининг ўзаро ҳамкорлигида жойларда ҳудудий ривожлантириш борасида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ўрганилиб, аҳолини қўйнаётган муаммоларга ўз вақтида ечим топиш чоралари кўриляётти. Мисол учун, яқинда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ўшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда халқ депутатлари Хазорасп тумани Кенгашининг биргаликда ташкил этган йиғилишида давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 22 ноябрдаги 2013 — 2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисидаги қарорининг Хазорасп туманида бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Йиғилишда ушбу қарорнинг ижроси

ва касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёш мутахассислари иш билан таъминлаш масаласи атрофида кўриб чиқилди. Худудда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани эътироф этилиб, ёшларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш муҳимлиги юзасидан зарур тавсиялар берилди. Албатта, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгал-

лашга кўмаклашиш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Шу билан бирга, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлар ва маҳаллийлаштириш дастурлари, қонунларнинг жойларда бажарилишини мунтазам назорат қилиш ҳам доимий диққат-эътиборимизда. Чунончи, яқинда туманларда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ижросини таъмин-

лаш борасида олиб борилган ишларнинг ҳолати билан танишганимизда, бу борада айрим хато ва камчиликлар борлиги кўзга ташланди. Бу бўйича ўтказилган йиғилишларда эса йўл қўйилаётган камчиликларни барқарор этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди. Аён бўлмоқдаки, таълим соҳасида масъулиятни ошириш, "Оила — таълим муассасаси — маҳалла" ҳамкорлигини кучайтириш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, қизларнинг эрта турмуш қуришига барҳам бериш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида ота-оналар мажлисларини мунтазам ўтказиш, "колледж — мактаб" ҳамкорлигини йўлга қўйиш каби масалаларга жиддий эътибор қаратиш бугунги кунда айни заруратдир.

Шу боис доимий комиссия аъзолари прокуратура органлари, тегишли ташкилот ва идоралар билан биргаликда

воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муайян ишларни амалга оширмоқда. Мисол учун, ҳудудий ҳокимликлар ҳуқуқбузарлик воғая етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан ҳамкорликда 37 нафар қаровсиз ва назоратсиз қолган бола аниқланди, 8 нафари васийликка берилди, 21 нафари мактабга қайтарилди, 4 нафари Меҳрибонлик уйига ва 4 нафари воғая етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилди.

Айни пайтда доимий комиссиямиз аъзолари жойларда бир қатор учрашувлар ўтказмоқда. Масалан, 2013 йилнинг ўтган даврида янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун-моҳияти Урганч шаҳри маҳаллаларида ташкил этилган учрашувларда кенг тарғиб қилинди.

Умуман олганда, бугун доимий комиссиямизнинг ҳар бир аъзоси ёшларда соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш, баркамол авлодни воғая етказишдек эзгу ишларни қўллаб-қувватлаш, кенгайтиришни ўз шioriга айлантириб, бу йўлда астойдил фаолият юритаётганини диққатга сазовор. Зеро, эртанги кунимизнинг янада фаровон бўлиши, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, унинг ободлиги ана шу омилларга бевосита боғлиқдир.

**Р. ЭШЧАНОВ, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашларининг Ўшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.**



ТИББИЁТ

Шахрисабз туманининг Кутчи қишлоғидаги қишлоқ врачлик пункти 13 мингдан зиёд аҳолига хизмат қилади.

Саломатлик учун сармоя

Шу пайтгача мазкур тиббиёт маскани мослаштирилган бинода фаолият кўрсатар эди. Яқинда бу ерда кенг қўламли таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ушбу хайрли иш учун 461,2 миллион сўм сарфланди. Ҳозир муассаса физиотерапия, гинекология, лаборатория, ЭКГ текширувлари ҳамда муолажа учун алоҳида хоналар ва сўнгги русумдаги тиббий жиҳозларга эга.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САНЪАТ

Хоразм вилояти давлат кўғирчоқ театри жамоаси яқинда Германияга ижодий сафар уюштириб, Франк-фурт, Дармштадт, Бад-Зоден, Гриссхайм шаҳарларида "Хоразм лазгиси", "Афанди хангома-лари" ва халқ уйинларидан иборат концерт дастурларини намойиш этди.

Германияда «Хоразм лазгиси»

— Гастролимиз жуда самарали кечди, — дейди театр директори, Узбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Д. Отабоев. — Сафаримиз давомида немис халқини миллий маданиятимиз ва кадрларимиз билан яқиндан таништиришга ҳаракат қилдик.

Отабек ИСМОИЛОВ.



ҚАРОР ВА ИЖРО

Мамлакатимизда ёшларимизнинг хорижий тилларни мукамал ўрганишини таъминлаш борасида қўлаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу борада Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси фаолиятида ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатдан келиб чиқиб, воҳадаги таълим муассасаларида чет тилларни ўрганиш тизимини янада яхшилаш юзасидан изчил изланишлар олиб борилапти.

Инновацион педагогик технологиялар

ёшларга хорижий тилларни ўргатишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади

— Асосий мақсадимиз, қарорда белгиланган вазифалар ижросини тўлақонли таъминлашдир, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси методика маркази ходими Нигора Мирзақуллова. — Чет тили фани бўйича ўқитувчиларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўз билимларини мустаҳкамлашлари учун бошқармаимиз томонидан кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Дастлаб вилоятдаги мавҳуд 1194 та таълим муассасасида чет тиллар фани ўқитувчиларига бўлган эҳтиёж масаласи ўрганиб чиқилди. Натижада 165 та умумтаълим мактабидан чет тиллар ўқитувчилари етишмаслиги аниқланди. Пировардида ўтган ўқув йилида 23 нафар чет тили ўқитувчиси мактабларга янгитдан ишга қабул қилиниб, 48 нафар ўқитувчи ўриндошлик асосида иш бошлади. Шунингдек, Термиз давлат университетидан 2 нафар иқтидорли талаба қишлоқ мактабларида чет тилидан дарс ўтишга жалб қилинди. Қолаверса, чет тиллар ўқитув-

чиси лавозимига бўлган эҳтиёжни Термиз давлат университетидан ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети битирувчилари ҳисобига тўлдириш чора-тадбирлари кўрилди. Воҳа ёшларнинг хорижий тилларни мукамал ўзлаштиришлари учун вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан мутахассислар тақлиф этилиб, 14 нафар ўқитувчи мурраббий сифатида тайёрланганлиги эътиборлидир. Мурраббийлик сертификатини олган ўқитувчилар туманлардаги умумтаълим мактабларининг 1-синфларида сабоқ берадиган бир ярим минг нафарга яқин ўқитувчини малака ошириш курсларида қайта тайёрлашди. Вилоятнинг Жарқўрғон ва Сарисий туманларида Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари иштирокида таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини яхшилаш, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиши,

ўқувчиларнинг чет тиллардан ҳамда информатика асосларидан чуқур билим олишини таъминлашга доир йўналишлар ўтказилди. Тадбирларда чет тиллар педагог-ўқитувчиларига қонун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантيرувчи тўловлар ва қўшимчаларни ҳисоблаш, уларнинг лавозим маошлари таркибига киритган ҳолда қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларида ишлаганларнинг ойлик тариф ставкаларига 30 фоиз, бошқа таълим муассасаларида эса 15 фоиз миқдорда қўшимчалар тўлаш масалалари муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, вилоят педагог-кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчилари томонидан чет тилини такомиллаштириш борасида махсус курслар ташкил этилди.

Эътиборлиси, вилоят халқ таълими бошқармаси педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти билан ҳамкорликда чет тилини ўқитиш бўйича Термиз шаҳридаги 3, Денов туманидаги 77, Қумқўрғон туманидаги 2, Қизилқум туманидаги 36, Шўрчи туманидаги 59, Жарқўрғон туманидаги 33-мактабларда инглиз, француз ҳамда немис тилларидан тажриба-синов майдончалари ташкил этилди. Бу тадбирлар ёшларнинг хорижий тилларни тўлақонли ўзлаштиришлари ҳамда кўмаклашмоқда.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан келажак эгаларига қўрсатилган чексиз ғамхўрлик фарзандларимизнинг хорижий тилларни чуқур ва мукамал ўрганишлари, чет тилларда бемалол сўзлаша олиш малакасига эга бўлишларида бекиёс аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт



Польшанинг Вроцлав шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Руслан Нуриддинов (105 кг.) бир йўла учта олтин медални қўлга киритди.

Жаҳон рекордчисидан ўзган чемпион

Дунёнинг олтинчи ақин давлати вакиллари иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада ўз маҳоратини аъжойиб тарзда намойиш қилган спортчимиз муҳлису мутахассислар эътирофини ҳам қозонди. Жумладан, у штангани даст кўтаришда 190, силтаб кўтаришда 235, икки кураш яқини бўйича 425 кг. натижа қайд этди. Ҳам қизқарчи, ҳам мурасо-сиз кечган хал қилувчи беллашувда Руслан асосий рақиблари — икки карра Европа чемпиони, силтаб кўтариш бўйича жаҳон рекордчиси, россиялик Давид Бежанян-и 20 кг., XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг бронза медали совриндори, польшалик Барломей Бонки 21 кг.га ортада қолдириди. Шу тарихи Руслан Нуриддинов ўзбек оғир атлетикачилари орасида биринчи бўлиб, жаҳон чемпионати голиблигига эришди. Ҳамюртимиз бунга қадар 2011 йили Франциянинг Париж шаҳрида ташкил этилган дунё биринчилигида силтаб кўтариш бўйича кумуш медалга сазовор бўлган эди. Польшада ўтказилган мусобақада яна бир вакилимиз Улуғбек Алимов (77 кг.) биттадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди.

Боксчиларимиз муваффақияти

Қозғистоннинг Алмати шаҳрида бокс бўйича яқунланган жаҳон чемпионатида икки нафар ҳамюртимиз совриндорлар сафидан жой олди.

Хусусан, вазни 52 кг.гача бўлган спортчилар орасида Жасурбек Латипов кумуш медални қўлга киритди. У финал-га бўлган баҳсларда Ҳамза Тоуба (Германия), Нарек Абгарян (Арманистон), Патрик Барнес (Ирландия) ва Эндру Селби (Уэльс)ни мағлубиятга учратди. Фақат хал қилувчи баҳсдагина ундан бир оз омад юз ўғирди. Бу Жасурбекнинг жаҳон чемпионатларидаги иккинчи соврини ҳисобланади. Истеъодли бокс-чимиз 2011 йили Бокуда ташкил этилган худди шундай мусобақада бронза медали билан тақдирланган эди. Алматида, шунингдек, терма жамоамизнинг яна бир аъзоси Ойбек Мамазулов (81 кг.) бронза медалини қўлга киритди. Санжарбек Раҳмонов ва Рустан Тўлағанов эса ўз вазн тоифасида нимчорак финалга қадар етиб борди. Маълумот ўрнида айтиб ўтамоқчи, Қозғистонда уюштирилган жаҳон чемпионатида 116 давлатдан 580 нафарга яқин чарм қўлқоп устаси куч синашди.

Фозилдин АБИЛОВ тайёрлади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

2014 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ва мустақил тадқиқотчиликка қўйилган мутахассисликлар бўйича танлов эълон қилади.

дифференциал тенгламалар ва математик физика; геометрия ва топология; назарий физика; оптика; органик кимё; физик кимё; юқори молекуляр бирикмалар; биокимё; биофизика, радиобиология; микробиология ва вирусология; зоология; энтомология ва ихтиология; биотехнология; тупроқ-шунослик; гидрогеология; муҳандислик геологияси; минералогия, кристаллография; геодезия, картография; иқтисодиёт назарияси; онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси; ижтимоий фалсафа; ўзбек тили; тил назарияси, амалий ва компьютер лингвистикаси; Европа, Америка ва Австралия халқлари адабиёти; адабиёт назарияси; журналистика; табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геохимияси; иқтисодий ва ижтимоий география; куруклик гидрологияси, сув ресурслари, гидро-кимёси; электрон таълим назарияси ва методикаси; аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси; психология тарихи ва назарияси, умумий психология; ижтимоий психология, этнопсихология; ижтимоий тўзилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи.

Талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш муддатлари, талаб этиладиган ҳужжатлар ва топшириладиган имтиҳонлар рўйхати куйидагилардан иборат.

- 1. Ҳужжатлар 2013 йил 15 ноябргача қабул қилинади.
2. Катта илмий ходимлар-изланувчилар сифатида ўқишга талабгорлар олий таълим муассасаси ва илмий тадқиқот муассасасига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:
— ариза;
— маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси ва Миллий хавфсизлик хизмати таълим муассасасининг магистратура дипломига тенглаштирилган дипломи ёхуд фан

Маълумот олиш учун университетнинг илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, маъмурий бино, 11-қават, 38-110-хона. Телефон: (8-371) 246-74-35.

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
қуйидаги кафедраларнинг кафедра мудири лавозимларига шартнома асосида
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
• Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси кафедраси
• Нефть-газни қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси
• Органик кимё ва оғир органик синтез технологияси кафедраси
• Умумий ва ноорганик кимё кафедраси
• Озиқ-овқат саноати машина ва жиҳозлари, механика асослари кафедраси
• Маҳсулот сифати менежменти кафедраси
• Саноат иқтисодиёти ва менежмент кафедраси
Юқоридаги лавозимларга тегишли номзодлардан ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан эътиборан бир ой мобайнида қабул қилинади.
Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими. Телефон: (8-371) 244-79-31.

Реклама ва эълонлар

Республика аҳолиси диққатига!
Сиз ўз маблағингизни тежашни истайсизми?
ДАЛВАРЗИН ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ
«ISUZU» ва «КАМАЗ»
русумли автотранспорт воситаларини сикилган ва суолтирилган газда ишлашга ўтказиш таклифини беради.
Тўловлар келишилган шаклда амалга оширилади.
Манзилимиз: Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Зафар кўрғони.
Мурожаат учун телефонлар: (+998-93) 549-15-15, (+998-98) 121-18-07.

«UNIVERSAL AUKTION INVEST» МҲЖ
Фарғона вилояти филиали
очиқ аукцион савдоларига таклиф ётади.
2013 йил 13 ноябрь кuni соат 10.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Кува тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2012 йил 10 февралдаги 15-11-09/34581-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кува пахташи қайта ишлаш заводида сақланаётган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia»-русумли, ранги кўк, давлат рақами 15 А1 613 бўлган автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.
Бошлангич баҳоси — 16 467 951 сўм.
Мазкур автотранспорт воситаси ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 29 ноябрь кuni бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 8 ноябрь кuni соат 16.00 да тўхтайтилади.
2013 йил 29 ноябрь кuni соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
Бешариқ тумани СИБ томонидан хатланган:
• ЖИБ Дангара тумани судининг 2012 йил 23 августдаги 1-196/12-сонли ижро варақасига асосан, Бешариқ тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдонида сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган «Тисо» русумли, ранги оқ, давлат рақами 40 R 849 EA.
Бошлангич баҳоси — 11 490 065 сўм.
• Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 17 апрелдаги 15-13-05/8867-сонли ижро варақасига асосан, 2004 йилда ишлаб чиқарилган «Nexia» русумли, ранги оқ, давлат рақами 15 AG 787.
Бошлангич баҳоси — 25 439 676 сўм.
Кувабой шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Кувабой шаҳар судининг 2013 йил 12 мартдаги 12-305-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кувабой шаҳар «73-авто-
Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А» уй, 16-хона.
Мурожаат учун телефон: (+99895) 404-44-78.

Халқ сўзи Народное слово
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 76 496 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.
Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.
• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.35
Тошпирилди — 21.40 1 2 3 4 5